



ГИДРОЭНЕРГЕТИКАДАГИ ЛОЙИХАЛАР ИЖРОСИ КЎРИБ ЧИҚИЛДИ

Президент Шавкат Мирзиёев ҳузурида қайта тикланувчи энергия манбаларини кўпайтириш бўйича вазифалар ижроси муҳокама қилинди.

Мамлакатимизнинг энергетика мустақиллигини таъминлаш мақсадида барча манбалардан фойдаланилмоқда. Жумладан, бунда гидроэнергетика салоҳияти катта ўринга эга. Яна бир муҳим томони, бундай станцияларда куну тун барқарор энергия олиш мумкин.

Сўнгги йилларда 15 та янги гидро электр станция ишга туширилгани, 12 таси модернизация қилингани натижасида қўшимча 260 Мегаваттлик қувватлар яратилди. Бугунги кунда гидроэнергетика қувватлари 2,1 минг Мегаваттга етиб, йилга 6,5 миллиард киловатт-соат электр ишлаб чиқаришмоқда.

Шу билан бирга, гидроэнергия қувватларини 1 минг Мегаваттга ошириш, хусусий сектор иштирокида 38 Мегаваттлик 58 та микро ГЭС қуриш имконияти ҳисоб-китоб қилинган.

Йиғилишда шу борада амалга оширилаётган ишлар тўғрисида ҳисобот берилди. Бу йил “Ўзбекгидроэнерго” акциядорлик жамияти томонидан камида 7 миллиард киловатт-соат электр ишлаб чиқарилиши маълум қилинди.

ЎЗА

КАРДОШЛИК РИШТАСИ

ЎЗБЕКИСТОН ВА ТУРКИЯ ҲАМКОРЛИГИДА ЯНГИ ДАВР БОШЛАНМОҚДА

Ўзбек ва турк халқларини азалий дўстлик, биродарлик ва қардошлик ришталари ўзаро боғлаб туради. Халқларимизнинг тарихий илдизлари бир, бугунги орзу-интилишлари муштарак. Туркий тилда сўзлашувчи халқларимизнинг маданияти, дини ва урф-одатлари бир-бирига жуда яқин.

Давоми 2-бетда



МУНОСАБАТ

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ОЛИБ БОРАЁТГАН ТАШҚИ СИЁСАТ МИНТАҚАВИЙ ВА ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИКНИ РИВОЖЛАТИРИШГА ХИЗМАТ ҚИЛМОҚДА

Хитой Давлат кенгаши ҳузуридаги Европа ва Осиё ижтимоий ривожланиш тадқиқотлари институтида Ўзбекистондаги конституциявий ислохотлар мавзусига бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди.

Маъмур институт Хитойдаги етакчи “ақл марказ”ларидан бири бўлиб, Хитойнинг ички ва ташқи сиёсат соҳаларидаги давлат сиёсатини шакллантиришга фаол ҳисса қўшади.

Тадбирда Европа ва Осиё ижтимоий ривожланиш тадқиқотлари институти,

Халқаро муносабатлар академиясининг Евроосиё тадқиқотлар институти, Пекин миллий университети раҳбарлари ҳамда илмий ходимлари иштирок этдилар.

Давоми 2-бетда

ТАРАҚҚИЁТ ЙЎЛИ

ЭКОЛОГИК ҲУҚУҚ УНГА ОИД НОРМАЛАР КОНСТИТУЦИЯДА МУСТАҲКАМЛАНМОҚДА

Бугун ҳаётимизда чуқур сифат ўзгаришлари рўй берапти. Тўб ислохотлар эса жамиятимизнинг тамоман янги ҳаётини шиддат билан шакллантирмоқда. Мамлакатимизда мутлақо янги давр бошланди. Бу мажозий ўхшатиш эмас, айни ҳақиқатдир.

Эътироф этиш жоизки, янги таҳрирдаги Конституциямиз тараққий этган давлат — Янги Ўзбекистонни қуриш ғояси атрофида бутун жамиятимизни жипслаштириши, унда барча қатлам манфаатлари инobatта олиниши, турфа ва кенг ҳамоатчилиқнинг фаол иштироки этиши том маънода халқ Конституцияси бўлаётганини аниқлади.

Конституциямизнинг янги таҳририда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бўйича комплекс чоралар белгиланмоқда. Ишонч билан айтиш мумкинки, мамлакатимизда экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилишга бўлган муносабат тубдан ўзгарди. Ушбу соҳани бошқариш ва тартибга солувчи қонунчилик базаси такомиллаштирилди. Бутунлай, янги ҳаётимизнинг экологик дунёқараш шаклланиб, аҳолининг бу борадаги маданияти юксалмоқда. Зеро, бу ҳаётини заруратдир.

Янги таҳрирдаги Конституциямизда фуқароларнинг экологик ҳуқуқларини таъминлашга бағишланган махсус нормалар, хусусан, ҳар ким қулай атроф-муҳит-

га, унинг ҳолати тўғрисидаги ишончли ахборотга эга бўлиш ҳуқуқига эга эканлиги, давлат томонидан атроф-муҳитни яхшилаш, тиклаш ва муҳофаза қилиш, экологик мувозанатни сақлаш, Оролбўйи минтақасининг экологик тизимини муҳофаза қилиш ҳамда тиклаш юзасидан чоралар кўрилиши белгиланмоқда.

Ушбу конституциявий норма Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегиясида белгиланган 2026 йилга қадар қайта тикланувчи энергия манбалари улушини 25 фоизга етказиш, 2030 йилга бориб эса қайта тикланувчи энергия манбалари қуввати 15 минг Мвт.га тенг бўлиши эвазига иқтисодиёт тармоқларининг ҳавога чиқарадиган зарарли газлар ҳажминини 10 фоизга қисқартириш каби мақсадларга эришиш учун пойдевор бўлади.

Бу нормалар табиий захиралар қисқараётган, глобал иқлим ўзгариши, экология ва табиат билан боғлиқ муаммолар инсоният келажагига таҳдид солаётган ҳозирги даврда муҳим аҳамият касб этади.

Давоми 2-бетда

ТАХЛИЛ ВА ТАҚОС



ЎПАК ҚАТИДАГИ ХАЗИНА

“Кумуш тола” қандай шароитда ҳақиқий тиллага айланади?

Йўллар қадим-қадимдан иқтисодий ва маданий ришталар вужудга келишига доялик қилган. Қўҳна ҳикоятлар эрамиздан олдинги III-II минг йилликларда қадимги Шарқ ва Марказий Осиё ҳудудларини ўзаро боғловчи йўللарнинг дастлабкиси Ложувард йўли деб номланганидан далолат беради. Шоҳ йўли эса унинг узвий давоми сифатида кейин юзага келган. Энг қадимги савдо йўлларининг учинчиси ва энг каттаси Буюк ипак йўли ҳисобланади. 12 минг километрга чўзилган бу йўл ҳозирги Ўзбекистон ҳудуди бўйлаб ҳам тармоқланиб ўтган.

Тарихий битиклар ипак қурти боқиш IV асрда Хитойдан Буюк ипак йўли орқали юртимизга кириб келганидан дарак беради. Этнографик манбаларда эса табиий ипак етиштиришнинг ватани Туркистон замини бўлгани, бу ҳудудда тахминан 4 минг йил илгари ипак матолар тўқилгани айтилади. Милoddан аввалги иккинчи минг йилликдан бизгача етиб келган ипакли матолар бунинг далилидир.

Шундай, юртимизда ипакчилик соҳаси теран тарихий илдизларга эга. Бинобарин,

бу аъёналар ҳозирги кунда ҳам бутун дунёда эътироф этилмоқда. Хусусан, атлас ва адрас тайёрлашнинг аънавий технологияси бир оз аввалроқ ЮНЕСКОнинг Номоддий маданий мерос объектларини асраб-авайлаш рўйхатидан жой олган бўлса, ўтган йилнинг ноябрь ойи охирида ипакчилик ва тўқувчилик учун ипак ишлаб чиқариш аънаҳаси Инсониятнинг номоддий маданий мероси репрезентатив рўйхатига киритилганди.

Давоми 4-бетда

ҲАР КУНИНГ НАВРЎЗ БЎЛСИН, ЖОНАЖОН ЎЗБЕКИСТОНИМ!

ЎЗНИ АНГЛАШ ВА КАШФ ЭТИШ АЙЁМИ



Янги йилнинг бошланиши — Наврўз ониди инсон барча тирикчиликлар силсиласида янгилашниши ҳис қилади, англаб етади, ўзини нафақат замин, балки бутун коинот билан уйғунликда танийди. Табиат фарзанди бўлмиш инсон унинг қонунларига эш бўлиб яшай билсагина, руҳан юксаликка, маънан софликка эришади. Ҳар қандай байрам миллат билан бирга яшайди, улғаяди, тараққий топади. Халқимиз тарихи ва маданиятининг муҳим бўлаги — Наврўз ҳам ҳар йили халқимиз қалби, тасаввур ва тафаккури билан янгилиниб, англаниб бораётган қадриятдир.

Давоми 6-бетда

✎

ЖАМИЯТИМИЗНИНГ ЯНГИ ҚИЁФАСИ

КЕЧА ВА БУГУН:

ҲАЁТИЙ ВА ИНСОНПАРВАР ҚОИДАЛАР ҚИЁСИ УМР МАЗМУНИГА АЙЛАНМОҚДА



Фарҳод ПРИМОВ,
юридик фанлар бўйича
фалсафа доктори

▶ Бошланиши 1-бетда

Тарихга бир назар

Айбсизлик презумпциясининг тарихи қадимги Рим ҳуқуқига бориб тақалади. Рим ҳуқуқида “Ei incumbit probatio qui dicit, non qui negat”, яъни **“далил инкор қилганда эмас, даъво қилгандадир”**, деган қоида илгари сурилган ҳамда айбланаётган шахсдан ўзининг айбсизлигини исботлаш талаб этилмаган, аксинча, айблаётган шахсга ўзи илгари сураётган айбловга оид далиллар тақдим этиш талаб қилинган.

Ислом динида ҳам айбни исботлаш масъулияти айбловчи ёки даъвогар зиммасига юкланган. Шунингдек, шариатда асоссиз гумон қаттиқ қораланган. Ҳатто Қуръони каримда бу бўйича оят бор.

Маълумотларга кўра, Людовик IX еттинчи салб юриши вақтида мусулмон мамлакатларида шариат асосида жорий этилган айбсизлик презумпцияси билан танишган ва ушбу амалиётни Францияда ҳам жорий этган.

Кейинчалик Европада айбсизлик презумпцияси тамойиллари янада такомиллаштирилган. Дастлаб француз ҳуқуқшуноси Жан Лемуан “item quilbet presumitur innocens nisi probetur nocens” (a person is presumed innocent until proven guilty) — “шахс айбдорлиги исботланмагунча айбсиз деб ҳисобланади”, деган ҳулосани илгари сурган.

1791 йилда британиялик адвокат Уильям Гарроу ҳам айнаш шу қадани баён этган. 1935 йилда Англия Апелляция суди Вулмингтонга қарши давлат айбловлари директори ҳақидаги қарорида кейинчалик бу тушунчани инглиз жиноят ҳуқуқида “олтин ип” сифатида эътироф этилади.

Францияда 1789 йилда қабул қилинган Инсон ва Фуқаронинг ҳуқуқлари тўғрисидаги декларациянинг 9-моддасида ҳам ҳар бир инсон айби исботланмагунча айбсиз деб ҳисобланишига оид қоидалар акс эттирилиши айбсизлик презумпциясининг такомиллаштиришга хизмат қилган.

Фундаментал ҳуқуқ

Бугун айбсизлик презумпцияси қўлаб халқаро ҳужжатларда ўз ифодасини топган ҳамда шахснинг фундаментал ҳуқуқи сифатида эътироф этилади. Хусусан, Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг 11-моддасида жиноят содир этганликда айбланган ҳар бир инсон ҳимоя учун барча имкониятлар таъминланган ҳолда, очик суд мажлиси йўли билан унинг айби қонуний тартибда аниқланмагунча айбсиз деб ҳисобланишга ҳақли эканлиги, шунингдек, Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактнинг 14-моддасида ҳам жиноят содир этганликда айбланаётган ҳар қандай киши қонунга мувофиқ айби исботланмагунча айбсиз саналиш ҳуқуқига эгаллиги белгиланган.

Халқаро ҳуқуқнинг бошқа бир қатор ҳужжатларида, жумладан, Европа Кенгашининг Инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги конвенциясида, Европа Иттифоқининг Асосий Ҳуқуқлар Хартияси,

Инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги Америка конвенциясида, Канада Ҳуқуқ ва эркинликлари Хартиясида ҳамда бошқа бир қатор ҳужжатларда айбсизлик презумпцияси ва унинг кафолатларига оид қоидалар белгиланган.

Дунё давлатларининг миллий қонунчилигида ҳам айбсизлик презумпциясига оид қоидалар белгиланган. Хусусан, Буюк Британияда Инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги қонунда, Колумбия, Франция, Эрон, Италия, Руминия, Россия, Жанубий Африка каби давлатларнинг конституцияларида айбсизлик презумпциясига оид ҳуқуқлар белгиланган.

Миллий қонунчилигимизда айбсизлик презумпциясининг халқаро ҳуқуқда белгиланган барча жиҳатлари ўз ифодасини топган. Амалдаги Конституциянинг 26-моддасида жиноят содир этганликда айбланаётган ҳар бир шахснинг иши судда қонуний тартибда ошқора қўриб чиқилиб, унинг айби аниқланмагунча айбдор ҳисобланмаслиги белгиланган. Шунингдек, Жиноят-процессуал кодексининг 23, 84, “Судлар тўғрисида”ги қонуннинг 16-моддасида, “Журналистлик фаолиятини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонуннинг 6-моддасида, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2003 йил 19 декабрдаги 17-сонли “Гумон қилинувчи ва айбланувчини ҳимоя ҳуқуқи билан таъминлашга оид қонунларни қўллаш бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги ҳамда 2014 йил 23 майдаги 7-сонли “Суд ҳукми тўғрисида”ги қарорларида айбсизлик презумпциясининг қоидалари белгиланган.

Миллий қонунчилигимизда айбсизлик презумпциясининг ҳуқуқий асослари турли қонунчилик ҳужжатларида белгиланиши ҳуқуқни қўллашда ягона ёндашувларнинг шаклланишига ўз салбий таъсирини кўрсатмоқда. Муайян ҳолатларда эса айбсизлик презумпциясига амал қилишдан чекинши ҳолатларига йўл қўйилмоқда. Қолаверса, айбсизлик презумпцияси шахснинг энг муҳим ҳуқуқларидан бири ҳисобланганлиги сабабли бундай ҳуқуқни Конституцияда тўлалигича ифодалаш мақсадга мувофиқ.

Янги таҳрирдаги Конституцияда айбсизлик презумпцияси қандай ифодаланмоқда?

Эндилиқда Бош қонунимизда айбсизлик презумпциясининг барча жиҳатлари тўлиқ ўз ифодасини топомқда.



Жумладан, 28-моддада **Жиноят содир этганликда айбланаётган шахс унинг айби қонунда назарда тутилган тартибда ошқора суд муҳокама-си йўли билан исботланмагунча ва суднинг қонуний қучга кирган ҳукми билан белгиланмагунча айбсиз деб ҳисобланади. Айбланувчига ўзини ҳимоя қилиш учун барча имкониятлар таъминланади.**

Айбдорликка оид барча шубҳалар, агар уларни бартараф этиш имкониятлари тугаган бўлса, гумон қилинувчининг, айбланувчининг, судланувчининг ёки маҳкумнинг фойдасига ҳал қилиниши керак.

Гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчи ўзининг айбсизлигини исботлаб бериши шарт эмас ва ис-

талган вақтда сукут сақлаш ҳуқуқидан фойдаланиши мумкин.

Ҳеч ким ўзига ва яқин қариндош-ларига қарши гувоҳлик беришга мажбур эмас.

Агар шахснинг ўз айбини тан олганлиги унга қарши ягона далил бўлса, у айбдор деб топилиши ёки жазога тортилиши мумкин эмас.

Озодликдан маҳрум этилган шахслар ўзига нисбатан инсоний муомалада бўлиниши ҳамда инсон шахсига хос бўлган шаъни ва қадр-қиммати ҳурмат қилиниши ҳуқуқига эга.

Шахснинг судланганлиги ва бундан келиб чиқадиган ҳуқуқий оқибатлар унинг қариндошлари ҳуқуқларини чеклаш учун асос бўлиши мумкин эмас, деб белгилаб қўйилмоқда.

Буни қуйидагиларда кўриш мумкин. **Биринчидан**, шахснинг айби қонунда назарда тутилган тартибда ошқора суд муҳокамаси йўли билан исботланмагунча ва суднинг қонуний қучга кирган ҳукми билан белгиланмагунча у айбсиз деб ҳисобланиши белгиланмоқда.

Шахсни айбдор, деб топишга фақат суд ваколатли эканлиги айбсизлик презумпциясининг олтин қоидаларидан бири ҳисобланади. Суддан бошқа органлар ҳар қандай ҳолатда ҳам шахсни айбдор деб топишга ҳақли эмас. Суднинг қонуний қучга кирган ҳукми мавжуд бўлгандагина шахсни айбдор деб ҳисоблаш мумкинлигининг

“ИНСОННИНГ ОЗОДИКДАН МАҲРУМ ЭТИЛГАНИ У ВА УНИНГ ЯҚИН ҚАРИНДОШЛАРИ БИЛАН НОИНСОНИЙ МУОМАЛАДА БЎЛИШ, УЛАРНИНГ ШАХСИНИ КАМСИТИШГА ЙЎЛ ОЧИБ БЕРМАСЛИГИ КЕРАК. МАҲБУСЛАРГА НИСБАТАН ЖАЗО ТУРЛАРИ ҚЎЛЛАНИЛГАНИ УЛАРНИ ЖАМИЯТНИНГ УМУМЭЪТИРОФ ЭТИЛГАН МУОМАЛА ҚОИДАЛАРИДАН ҲАМ ЧЕКЛАШ ҲУҚУҚИНИ БЕРМАЙДИ. ШУ САБАБЛИ ОЗОДИКДАН МАҲРУМ ЭТИЛГАН ШАХСЛАР ВА УЛАРНИНГ ҚАРИНДОШЛАРИНИ КАМСИТИШ, УЛАРНИ АСОСИЙ ҲУҚУҚЛАРДАН МАҲРУМ ҚИЛИШГА САБАБ БЎЛМАЙДИ.

белгиланиши шахсни ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан ўзбошимчалик билан айблаш ва жа-



Ҳимоячининг ишда иштирок этишига жиноят процессининг ҳар қандай босқичида, шахс ушланганида эса унинг ҳаракатланиш эркинлигига бўлган ҳуқуқи амалда чекланган пайтдан бошлаб руҳсат этилади.

Белгиланган ҳолларда адвокатлар томонидан кўрсатилган юридик ёрдам давлат ҳисобидан қопланади.

Гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи ва маҳкумнинг ҳимоя ҳуқуқи жиноят-судлов ишларини юритишда

ҳам ўзининг ифодасини топган. Исбот қилиш суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суд томонидан амалга оширилиши керак. Шахсни жавобгарликка тортиб ҳам ундан ўз айбсизлигини исботлаб бериши талаб қилишга йўл қўйилмайди.

Бешинчидан, ҳеч ким ўзига ва яқин қариндошларига қарши гувоҳлик беришга мажбур эмас. Суд ва терговда шахсни ўзига ва оила аъзоларига қарши гувоҳлик беришга мажбур қилиш унинг манфаатларига асло тўғри келмайди. Қолаверса, миллий менталитетимизда оила аъзолари ва қариндошлар ўртасидаги ўзаро ҳурмат муҳим қадрият сифатида тушунилади. Отанинг ўз фарзандига, фарзанднинг отасига, ака-ука ва опа-сингиллар бир-бирига қарши гувоҳлик бериши оилавий қадриятларимизга ҳам мос эмас. Шу сабабли шахснинг ўзига ва яқин қариндошларига қарши гувоҳлик беришга мажбур эмаслиги тўғрисидаги норма айбсизлик презумпциясини миллий менталитетимиз асосида янада такомиллаштиришга хизмат қилади.

Олтинчидан, агар шахснинг ўз айбини тан олганлиги унга қарши ягона далил бўлса, у айбдор деб топилиши ёки жазога тортилиши мумкин эмаслигининг белгиланиши суд ва терговда шахс манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича янги кафолатлар тақдим этади.

Гап шундаки, шахснинг айбига оид далиллар етарли бўлмаганда унинг ўз айбига иқдор бўлганлиги тўғрисидаги ягона далил билан чекланиш ҳолатлари ҳам мавжуд. Биргина ўз айбига иқдор бўлганлиги билан шахсни жавобгарликка тортиш ва жазога ҳукм қилиш адолат ва мантик мезонларига асло тўғри келмайди. Эндиликда шахсни айблаш учун далиллар етарли бўлмаганда айбига иқдорлиги учун қўрқитиш, унга таҳдид қилиш ва босим ўтказиш ёки қийноқ қўллаш ҳолатларига йўл қўйилмайди.

Еттинчидан, гумонланувчи ва айбланувчиларни ўз хоҳишсиз гапиртириш, ўз айбини тан олдиришга мажбурлаш ҳолатларига йўл қўймаслик мақсадлида тергов жараёнида жим туриш, яъни сукут сақлаш ҳуқуқи Конституция даражасида белгиланмоқда. Шунингдек, инсонларни бошқа далиллар бўлмаган ҳолларда фақат ўзининг айбига иқдорлиги сабабли айбдор деб топиш тақиқланапти. Бу эса турли тазйиқлар билан жиноятни қийинлаштириб бўйнига қўйишдан сақлайди. Яъни энди бошқа бирорта далил бўлмаса, қийинлаштириб турли босимлар остида “шу ишни мен қилдим”, деб тан олишдан фойда йўқ.

Саққизинчидан, озодликдан маҳрум этилган шахслар ўзига нисбатан инсоний муомалада бўлиниши ҳамда инсон шахсига хос бўлган шаъни ва қадр-қиммати ҳурмат қилиниши ҳуқуқига эга эканлиги белгилаб қўйилмоқда.

Халқаро талабларга кўра нафақат тергов ва суд жараёнида, аяни чоғда жазога ҳукм қилинган маҳкумларнинг ҳақ-ҳуқуқлари кафолатланиши керак. Жиноят содир этганлиги учун жазони ўтаётган шахсга барча ҳолларда инсоний муомалада бўлиш талаб этилади.

Инсоннинг шаъни ва қадр қиммати-ни камситиш учун ҳеч нарса асос ва

“АЙБДОРЛИККА ОИД БАРЧА ШУБҲАЛАР, АГАР УЛАРНИ БАРТАРАФ ЭТИШ ИМКОНИЯТЛАРИ ТУГАГАН БЎЛСА, ГУМОН ҚИЛИНУВЧИНИНГ, АЙБЛАНУВЧИНИНГ, СУДЛАНУВЧИНИНГ ЁКИ МАҲКУМНИНГ ФОЙДАСИГА ҲАЛ ҚИЛИНИШИ КЕРАК. ГУМОН ҚИЛИНУВЧИ, АЙБЛАНУВЧИ ЁКИ СУДЛАНУВЧИ ЎЗИНИНГ АЙБСИЗЛИГИНИ ИСБОТЛАБ БЕРИШИ ШАРТ ЭМАС ВА ИСТАЛГАН ВАҚТДА СУКУТ САҚЛАШ ҲУҚУҚИДАН ФОЙДАЛАНИШИ МУМКИН.

сабаб бўлолмайди. Гарчи жиноят содир этган бўлса-да, маҳкумнинг шахси ва қадр-қиммати ҳурмат қилиниши керак.

Тўққизинчидан, шахснинг судланганлиги ва бундан келиб чиқадиган ҳуқуқий оқибатлар унинг қариндошлари ҳуқуқларини чеклаш учун асос бўлиши мумкин эмас. Бир инсоннинг судланганлиги учун унинг яқинлари жабр тортиши қўп йиллардан бери оддий одамларни қийнаб келаётган эди. Ишга кирмоқчи бўлса, “аканг судланган”, лавозимда қўтарилмоқчи бўлса, “отанг судланган”, деб айбсиз айбдор бўлиб қолаётган эди.

Шахснинг яқин қариндошларидан бири қачонларди судланган бўлса, унинг айби нимада? Дейлик, у туғилишдан олдин отаси судланган бўлса, “Сен туғилишингдан ўн йил бурун отанг судланган”, деб ишга қабул қилмаслик қонунга ҳам, инсонийликка ҳам, адолатга ҳам, умуман, тўғри келмайди.

Таъкидлаш жоизки, жамоатчилик орасида жиноят иши қўзғатилган фуқарони суднинг ҳукми эълон қилнимасдан туриб, дарҳол жиноятчи сифатида баҳолаш ҳолатлари учраб туради. Ваҳоланки, сўнгги йилларда қўзғатилган жиноят ишлари юзасидан бир қанча оқлов ҳукмлари чиқаришмоқда. Илгари буни тасаввур ҳам қилиш қийин эди.

Биринчи навбатда, фуқарога нисбатан жиноят иши очилди — бўлди, у жиноятчи ва у қамалади, дейиш нотўғри. Фуқарога нисбатан жиноят иши очилганда фуқарога ўзини ўзи ҳимоя қилиш ҳуқуқи доим бўлади. Агарда унинг айби исботланмаса, у, албатта, озодликка чиқади. Инсоннинг айбдорлиги фақатгина суд томонидан исботлансагина, у айбдор бўлади.

Дўппи тор келганда тарозининг палласи инсон томонга тош босади. Яъни гумон ва шубҳаларни исботлаш имкониятлари мавжуд бўлмаса, бу ҳолат барча гумон ва шубҳалар гумонланувчи, айбланувчи ёки судланувчи фойдасига ҳал бўлади.

Конституциямизга шахснинг судланганлиги ва бундан келиб чиқадиган ҳуқуқий оқибатлар унинг қариндошлари ҳуқуқларини чеклаш учун асос бўлмаслиги тўғрисидаги норманинг киритилиши қўп йиллардан бери халқимизни қийнаб келаётган яқин қариндошлари судланганлиги учун айбсиз айбдор бўлиб қолаётганларга муаммосига ечим бўлади.

Инсоннинг озодликдан маҳрум этилгани у ва унинг яқин қариндошлари билан ноинсоний муомалада бўлиш, уларнинг шахсини камситишга йўл очиб бермаслиги керак. Маҳбусларга нисбатан жазо турлари қўлланилгани уларни жамиятнинг умумэътироф этилган муомала қоидаларидан ҳам чеклаш ҳуқуқини бермайди. Шу сабабли озодликдан маҳрум этилган шахслар ва уларнинг қариндошларини камситиш уларни асосий ҳуқуқлардан маҳрум қилишга сабаб бўлмайди.

Шундай қилиб, айбсизлик презумпциясининг Конституция билан мустаҳкамланиши судланаётган фуқароларнинг умуминсоний ҳуқуқларга риоя этилиши, тергов ва суд жараёнидаги ҳамда жазони ижро этишда муҳим инсонпарвар қоидалар жорий қилиниши кафолатлайди.



Ипак қатидаги ҳазина

“Кумуш тола” қандай шароитда ҳақиқий тиллага айланади?

Бошланиши 1-бетда

Жаҳон тажрибаси ва Ўзбекистон нуфузи

Маълумотларга қараганда, ҳозирги кунда 60 дан ортиқ мамлакатда пилладан маҳсулот ишлаб чиқарилади, лекин унинг 20 дан зиёдидагина “кумуш тола” етиштирилади. Бу борада етакчи Хитой, иккинчи ўринда Ҳиндистон, учинчи ўринда Ўзбекистон туради. Аҳоли жон бошига ҳисоблаганда эса юртимиз етакчилик қилади. Бир кутидан олинadиган пилла ҳосили ХХРда 85, Ҳиндистонда 80 ва Ўзбекистонда 60 килограммни ташкил этади.

Дунё бўйича ипак ишлаб чиқариш кейинги 5 йилда 15,7 фоиз ошган ва айни пайтда йиллик ялпи ипак маҳсулоти ҳажми 192,694 тоннага тенг бўлиб, унинг 80 фоизи Хитой, 16 фоизи Ҳиндистон, 2,5 фоизи Ўзбекистон, қолган қисми бошқа мамлакатлар ҳиссасига тўғри келади.

Мутахассислар таҳлилларига кўра, соҳадаги даромаднинг асосий қисмини хомашё етиштирувчилар эмас, тайёр маҳсулот ишлаб чиқарганлар олади. Чунки жаҳон бозорига бир килограмм ипак хомашёсининг баҳоси 38-40 долларга тенг. Агар у калава қилинса, нархи 55 долларгача ортади. Ундан мато тўқиб, кийим-кечак тикиб сотилса, даромад 3 баробар кўпаяди. Зеро, ипак калавасининг ҳар бир килограммидан 11 метр гача мато тўқилади. Кейинги пайтда ипақдан гилам тўқишга талаб ортиб борапти. Масалан, битта гилам тўқиш учун ўртача 10 килограмм ипак калаваси керак. Шу ҳисобда, ипак ил учун 500-600 доллар атрофида маблаг сарфланади. Гилам тайёр бўлгач, унинг баҳоси 10 баробар ошади.

Дунё миқёсида пилла маҳсулотига талаб йил сайин ортиб бормоқда. Ушбу тоалардан нафис ипак матолар, жароҳлиқ иплари ва электроника, авиация ҳамда денгиз флотига фойдаланиладиган товарлар ҳамда халқ ҳўжалигининг турли тармоқлари учун зарур маҳсулотлар ишлаб чиқарилади.

Имконият яратаётган имтиёзлар

Юртимизда ипакчилик турли даврларда гоҳ гурираган, гоҳ таназзулга юз тутган. Тармоқ яқин ўтмишда ҳам қатор муаммоларни бошдан ўтказди. Шу боис, ипакчиликка эътибор пасайиб, аҳоли орасида ипак курти парваришига иштиёқ сусайди. Оқибатда пилла етиштириш, уни чуқур қайта ишлаш ва экспорт қилиш кўрсаткичлари кескин тушиб кетди. Жумладан, 2017 йилга келиб 13 минг тонна пилла хомашёси етиштирилди.

Президентимизнинг 2017 йил 29 мартдаги “Ўзбекипаксаноат” уюммаси фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори соҳага ҳаётбахш куч ато этгани кейинги йилларда аққол намоён бўлди. Унга мувофиқ, тармоқни ривожлантириш ва муаммоларини ҳал этишга масъул бўлган “Ўзбекипаксаноат” уюммаси ташкил этилди. 210 га яқин корхона ҳамда ташкилот бирлаштирилиб, 13 та худудий ва 144 та туман “Агропилла” МЧЖ фаолияти йўлга қўйилди. Пиллани қайта ишловчи ҳамда ипак газламалар ва тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи 46 та корхона, тут уруғи ва кўчатлари етиштирувчи 22 та ҳўжалик уюшма таркибига киритилди.



Ҳаним Ҳудодиева олган суратлар.

— Пиллачиликда муваффақиятга эришиш ишни тизимли йўлга қўйишга боғлиқ, — дейди Ипакчилик ва жун саноатини ривожлантириш кўмитаси раиси Баҳром Шарипов. — Янги тузилманинг ташкил этилиши ипакчилик ва пиллачилик соҳасида янги ҳаёт шартлари, жаҳон талабларига мос янгиланишларни амалга оширишга замин яратди.

Қарорда пиллачилик корхоналарини молиявий қўллаб-қувватлаш, модернизация қилиш, озуқа базасини ва пилла етиштиришни кўпайтириш, уни қайта ишлаш ҳамда тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кенг йўлга қўйиш мақсадида 2023 йил 1 январгача улар ягона солиқ, ягона ижтимоий тўлов ва божхона тўловларидан, қасаначилар жисмоний шахсларга ҳисобланадиган даромад солиғидан озод қилинди. Пилла боқувчилар ва қасаначиларнинг пилла мавсумидаги даврда бажарган ишлари уларга пенсия таъминлашда бир йиллик иш стажига сифатида ҳисобланиши алоҳида белгиланган бўлибди.

Ушбу имтиёзлар, бир томондан, пиллачилик соҳаси, ипак курти уруғи ва пилла етиштирувчилар, иккинчи томондан, пиллани қайта ишлаш ва тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқариш саноати учун катта имконият, қўлайликлар яратди. Пилла етиштириш билан банд аҳолининг моддий манфаатдорлиги кучайди.

Президентимизнинг жорий йил 24 февралдаги “Ипакчилик тармоғини янада ривожлантириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори билан солиқ ва божхона тўловларига оид имтиёзларнинг амал қилиш муддати 2026 йил 1 январгача узайтирилди.

Хонадонларда пилла етиштирувчи жисмоний шахсларга ҳар йили етиштирилаётган пилла (хўл пилла) ҳосилининг бир килограмми учун 5 минг сўм миқдорда республика бюджетига ҳисобидан ажратиладиган субсидия бекор қилинди. Янги тартибга кўра, 2023 йил 1 мартдан бошлаб 2026 йил 1 январга қадар пиллани қайта ишлаш ва пилла курти уруғини ишлаб чиқарувчи корхоналарга улар томонидан бевосита пилла боқувчиларга етказиб берилган ҳар бир қўти ипак курти уруғи учун 120 минг сўм миқдорда республика бюджетига ҳисобидан субсидия ажратилади.

2023 йил 1 апрелдан “Ўзбекипаксаноат” уюммаси таркибидagi корхоналар ишлаб чиқарган ипак маҳсулотларини экспорт қилиш операциялари бўйича муддати ўтказиб юборилган дебитор қарздорлик ҳосил бўлишини ҳисоблашнинг ягона муддати божхона юк декларацияси расмийлаштирилган санадан 360 кун этиб белгиланди. Жорий йилнинг 1 мартидан хом ипакни экспорт қилиш тартиби соддалаштирилди.

Ипакчилик илмий-тадқиқот ва Ўзбекистон табиий тоалар илмий-тадқиқот институтлари Қишлоқ ҳўжалиги вазирлиги ҳўзуридаги Ипакчилик ва жун саноатини ривожлантириш кўмитасига амалдаги молиялаштириш тартибини сақлаб қолган ҳолда ўтказилиши белгиланди.

Умуман олганда, охириги беш йилда Президентимизнинг соҳага доир ўндан ортиқ фармон ва қарори қабул қилинди. Бугун маъзур ислохотлар ўзбек миллий ипак маҳсулотларининг жаҳон бозорларига чиқиши ва соҳада ишлаб чиқариш ҳажми ортишига хизмат қилмоқда.



“КЕЙИНГИ ПАЙТДА ПИЛЛАКОРЛАРИМИЗНИНГ ХОРИЖИЙ ТАЖРИБА ВА ИННОВАЦИОН ТЕХНОЛОГИЯЛАРГА ТАЯНГАН ҲОЛДА ЙИЛ ДАВОМИДА УЧ-ТЎРТ МАРТА ХИРМОН КЎТАРИШИ ОДАТ ТУСИГА КИРИБ ҚОЛДИ. ХУСУСАН, ЖОРИЙ ЙИЛДА ТЎРТ МАВСУМ ДАВОМИДА 510 МИНГ ҚЎТИ ИПАК ҚЎРТИ ПАРВАРИШЛАНИБ, 28,3 МИНГ ТОННА ПИЛЛА ХОМАШЁСИ ЕТИШТИРИЛИШИ КЎЗДА ТУТИЛГАН.

Инновацион пиллаҳоналар

Кейинги пайтда пиллакорларимизнинг хорижий тажриба ва инновацион технологияларга таянган ҳолда йил давомида уч-тўрт марта хирмон кўтариши одад ту-сига кириб қолди. Хусусан, жорий йилда тўрт мавсум давомида 510 минг қўти ипак қўрти парваришланиб, 28,3 минг тонна пилла хомашёси етиштирилиши кўзда тутилган. Бу рақамни 2017 йилда етиштирилган 13 минг тонна пилла ҳосили билан таққослайдиган бўлсак, ўсиш кейинги беш йилда 2,2 баробар бўлгани кўринади.

— Янгиликлари амалиётда қўллаш учун катта маблаг сарфланмади, — дейди Баҳром Шарипов. — Ўтган йиллари уч марта, айни кезде тўрт мартадан “кумуш тола” етиштиряпмиз. Оддий ҳамда пухта ҳисоб-китоблар асосига қурилган лойиҳалар ҳаётга таъбиқ этилди. Шу билан бира, хориж тажрибаси чуқур ўрганилиб, инновацион ғоя ва технологиялар кенг жорий этила бошланди. Инновацион пиллаҳоналар янги ҳаёт тар-зимининг дастлабки меvasи бўлди.

Ишлаб чиқилган “Йўл харитаси”га биноан, ҳар беш гектар тўтзорда биттадан инновацион пилла етиштириш маскани барпо этилди. Бунда мавжуд 54,8 минг гектар тўтзорлар “Ўзбекипаксаноат” уюммаси тизим ташкилотлари тасарруфига ўтказилгани айни мўддао бўлди. Янги пиллаҳоналарда ипак курти Хитой технологияси асосида пленка остида парваришланаётгани боис, озуқа сарфи 30 фоизгача камайдди. Худудлар табиий-иклим шароити инновацион олинган ҳолда, уларнинг иморати тўлиқ маҳаллий хомашёдан қурилиши, баҳорда иссиқ, ёзда салқин бўлиши ҳисобига энергия ресурслари сарфи ўта кам.

Соҳага эътибор боис, бугун эски пиллаҳоналар ўрнида замонавий ипакчилик кластерлари ташкил этилди ва қисқа даврда уларнинг сони 75 тага етди. Янада аниқроқ айтadиган бўлсак, 2017 йилда бундай корхоналар сони мамлакатимиз бўйича 19 та эди ва 30 фоиз қувват билан ишларди. Энди эски, ташландиқ бинолар “ноль” харид қийматида тадбиркорларга берилди. Бунинг ортидан минглаб янги иш ўринлари яратилди. Тизимда ўтган йили 1 миллион 161 минг кишининг бандлиги таъминланди.

— Тадқиқотларга кўра, 1 қўти ипак куртини парваришлаш учун тахминан 0,25 гектар тўтзор талаб этилади, — дейди Ипакчилик илмий-тадқиқот институтига директори Шўҳрат Абдулазизов. — 2022 йилнинг ўзида ипак курти озуқа базасини ривожлантириш мақсадида 122,7 миллион тут тут кўчати экилди. Хусусан, Андижонда ташкил этилган in vitro лабораториялари орқали маҳаллий олимларимиз 18 турдаги ноёб тут навларини кўпайтириш ва йилига 6,5 миллион тут тут кўчатини етиштириш имкониятини

юзага келтирди. Бинобарин, институтимиз томонидан дунёнинг 16 мамлакатидан келтирилган тутнинг 240 нави, шакл ва тизимларидан иборат тут коллекцияси ташкил этилди. Мазкур навлар иштирокида 100 дан ортиқ янги тут нави ва дўрагайи яратилди.

Институт турли иқлим шароитларига эга давлатлардан ипак куртининг 120 дан ортиқ зоти олиб келиниб, уларнинг генофондини кенгайтириш ва келажак авлодга етказиш ишлари ҳам олиб боришмоқда. Ушбу зотлар иштирокида селекция ишлари йўлга қўйилиши натижа-сида 10 дан ортиқ янги ипак курти зоти ва дўрагайи пайдо бўлди.

Озуқа базасининг мустаҳкамланиши ва кенгайиши, пилла етиштириш мажмуаларининг бевосита тўтзорлар яқинида барпо этилиши, 2 баробар кўп ҳосил берадиган тут кўчатлари олиб келиниши пилла етиштириш ҳажмини 2026 йилга бориб 35 минг тоннага ошириш ҳамда юқори қўшимча қийматга эга маҳсулотлар, жумладан, шойи газламалар ва тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришга хизмат қилади.

Ўтган йили юртимизда 26,7 минг тонна пилла хомашёси етиштирилиб, белгиланган прогноз кўрсаткичлари 111 фоиз бажарилди. Умуман, 2 триллион сўмликдан зиёд маҳсулот тайёрланиб, қарийб 110 миллион долларлик маҳсулот экспорт қилинди. Ҳолбуки, бу миқдор 2018 йилда 51 миллион доллар атрофида эди.

Салмоқ ва сифат уйғунлиги қандай натижа берапти?

Худудлар кесимида оладиган бўлсак, Андижон, Бухоро, Сурхондарё, Самарқанд вилояти пиллакорлари каби фарғоналик “кумуш тола” етиштирувчи ва ишлаб чиқарувчилар фаолиятида ҳам иборатга молик ишлар бажаришмоқда.

Ўтган мавсумда фарғоналик пиллакорлар 2 минг 240,7 тонна ҳосил олди. Бу аввалги йиллардагига нисбатан 122 тонна кўп.

Вилоятда “Ҳар бир хонадонга бир қўти” тамойили асосида 39 минг 168 қўти ипак курти уруғи тарқатилди. Бу аҳоли бандлигини таъминлаш, даромад кўпамини ошириш имкониятини берди. Чунки ипак курти парвариши билан шугулланган оилалар меҳнатига яраша даромад олиш билан бира, бир йиллик меҳнат стажига эга бўлмоқда. Натижада қайта ишлаш корхоналари узлуксиз хомашё билан таъминланмоқда, маҳсулот ишлаб чиқариш ва экспорт ҳажми мўтасил ўсиб бориб, янги иш ўринлари яратилди. Масалан, ўтган йилда 96 минг 942 иш-сиз фуқаро пилла етиштириш, қайта ишлаш жараёнларига жалб қилинган. Жорий йилда буни 100 минг 820 нафарга етказиш чоралари белгиланган.

Дастлабки ҳисоб-китобларга кўра, ўтган йили 6 та пиллачилик корхонаси томонидан қайта ишланган 9 миллион долларлик ипак ва ипакли маҳсулотлар экспорт қилинди. Бу 2017 йилдагидан қарийб 4 баробар кўп.

— Президентимизнинг 2020 йил 17 январдаги “Пиллачилик тармоғида ипак курти озуқа базасини ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори ипак курти озуқа базасини мустаҳкамлаш, салмогини ошириш имкониятини берди, — дейди вилоят “Агропилла” МЧЖ бош агрономи Фарух Мўхаммадалиев. — Вилотимизда 3 минг 692 гектар тўтзор мавжуд бўлиб, ҳозирги кунда 279 гектар эскирган тўтзорни режа асосида қайтадан реконструкция қилиш ишлари олиб бориляпти. Қисқа даврда 558,5 минг тут кўчати экилди. Фарғона туманидаги “Водил ипак йил-гурув” шўба корхонасининг ёрдамчи тутчилик ҳўжалигида кам сув талаб қиладиган, ўз навбатида, серхосил “Саниш” нави 5 миллион тутдан зиёд тут кўчати етиштириш йўлга қўйилди.

Мавжуд тут майдонлари 4 мавсум ипак курти боқиб, пилла етиштириш, тўтзор қатор орасидан иккиламчи фойдаланиш орқали даромадларини янада ошириш учун оилавий пудрат шартномаси

ипак курти етиштириш тажрибаси ўрганилди. Бу ерда ипак курти уруғини бир оила шаклида кўпайтириш усулидан самарали фойдаланилади. Вьетнамнинг иқлими мўътадил, иссиқ бўлгани учун йилига 10 мартагача ипак курти боқиб, жуда катта миқдорда муҳим саноат хомашёси — хўл пилла олиш имконияти мавжуд. Шу боис, ипак куртининг ушбу давлатда кенг тарқалган “Вьетнам” зотини вилотимизга олиб келиб, Фарғона “Пилла наслчилик” МЧЖ лабораториясида кўпайтириш бўйича янги келишувларга эришилди.

Истиқболли режалар

Юқорида қайд этилганидек, жорий йил мамлакатимизда тўрт мавсум давомида 28,3 минг тонна хомашё етиштирилиши кўзда тутилган. Ундан 3,1 триллион сўмлик ипак маҳсулотлар ишлаб чиқарилади. Ўзбекистон бугунги кунда Хитой, Ҳиндистон, Вьетнам, Франция, Италия, Австрия ва АҚШ каби 30 дан ортиқ давлатга пиллачилик маҳсулотлари етказиб бермоқда.

— Айни кунларда вилоят ва туман “Агропилла” МЧЖ ҳамда пиллани қайта ишлаш корхоналари томонидан баҳорги пилла етиштириш мавсумига тайёргар-



асосида 14 минг 771 кишига бириктириб берилмоқда.

— Пиллачилик сердаромад соҳа, меҳнат қилган одам барака топади, — дейди пиллакор Хайрулла Тешабоев. — Фарғона тумани “Агропилла” масъулиятли чекланган жамияти билан оилавий пудрат асосида иш олиб борамиз. Ўтган йили баҳорда 3 қўти ипак куртидан 280 килограммдан ошириб ҳосил териб олди. Даромадимиз 7 миллион сўмдан ошди. Ундан ташқари, ҳар бир килограмм пилла учун 5 минг сўмдан субсидия олди. Уйимизга яқин худудда 1 гектар тут плантацияси ташкил қилганмиз. Кўчатлар орасига рўзгоримиз учун кераклиқ सबзаот экинлари экиб, даромад оляпмиз. Энди шу ернинг ўзида ипак курти боқишга ихтисослашган енгил тилдаги кўча куртхона қурдик. Бу ортиқча оворагарчилик ва сарф-харажатларсиз мўл ва сифатли ҳосил етиштириш имкониятини бермоқда.

Пиллани чуқур қайта ишлаш лойиҳаларини ва модернизация тадбирларини амалга ошириш мақсадида 9 та истиқболли лойиҳа учун 2 миллион 560 минг доллар миқдорда инвестиция киритилди. Натижада хом ипак, ипак момиги, ипак мато ишлаб чиқариш 2021 йилдагига нисбатан 1,5 баробар ошди. 340 дона ипак гилам тайёрланди. Бу ўтган йилдагидан беш баробар кўп.

Эн сифатли ипак курти уруғи етиштириш соҳасида Фарғона вилояти ва Вьетнам корхоналари ўртасида ҳамкорлик алоқалари йўлга қўйилган, насли ипак курти зотларини янгилаб бориш доимий эътиборда.

— Янги келишувларга эришиш учун жорий йил январида Вьетнамда бўлдиқ, — дейди Фарғона вилояти “Агропилла” МЧЖ бошқаруви раиси Мақсуджон Қосимов. — Далад шаҳрида насли

лик ишлари давом этмоқда, — дейди Баҳром Шарипов. — Озуқа базасини мустаҳкамлаш мақсадида тут кўчатлари экилмоқда. Режага кўра, бу йил уларнинг сони 122 миллион 680 минг тутга кўпаяди. Корхоналарда ипак маҳсулотлар улияти чекланган жамияти билан оилавий пудрат асосида иш олиб борамиз. Ўтган йили баҳорда 3 қўти ипак куртидан 280 килограммдан ошириб ҳосил териб олди. Даромадимиз 7 миллион сўмдан ошди. Ундан ташқари, ҳар бир килограмм пилла учун 5 минг сўмдан субсидия олди. Уйимизга яқин худудда 1 гектар тут плантацияси ташкил қилганмиз. Кўчатлар орасига рўзгоримиз учун кераклиқ सबзаот экинлари экиб, даромад оляпмиз. Энди шу ернинг ўзида ипак курти боқишга ихтисослашган енгил тилдаги кўча куртхона қурдик. Бу ортиқча оворагарчилик ва сарф-харажатларсиз мўл ва сифатли ҳосил етиштириш имкониятини бермоқда.

Пиллани чуқур қайта ишлаш лойиҳаларини ва модернизация тадбирларини амалга ошириш мақсадида 9 та истиқболли лойиҳа учун 2 миллион 560 минг доллар миқдорда инвестиция киритилди. Натижада хом ипак, ипак момиги, ипак мато ишлаб чиқариш 2021 йилдагига нисбатан 1,5 баробар ошди. 340 дона ипак гилам тайёрланди. Бу ўтган йилдагидан беш баробар кўп.

Эн сифатли ипак курти уруғи етиштириш соҳасида Фарғона вилояти ва Вьетнам корхоналари ўртасида ҳамкорлик алоқалари йўлга қўйилган, насли ипак курти зотларини янгилаб бориш доимий эътиборда.

— Янги келишувларга эришиш учун жорий йил январида Вьетнамда бўлдиқ, — дейди Фарғона вилояти “Агропилла” МЧЖ бошқаруви раиси Мақсуджон Қосимов. — Далад шаҳрида насли

Абдурауф ҚОРЖОВОВ,
Расулжон КАМОЛОВ,
“Янги Ўзбекистон” муҳбирлари

ТАЪЛИМ

ТАЛАБА РЕКТОР ЛАВОЗИМИГА ТАЙИНЛАНДИ

НамДУдаги ўзига хос инновацион ёндашувлар хусусида

Келажақ бунёдкорлари бўлган навқирон авлодни қўллаб-қувватлаган ҳар қандай жамият тараққиётга эришишига шубҳа йўқ. Зотан, билимли авлод ҳар бир соҳада энг тўғри йўлни танлай олади. Шу маънода, ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш Наманган давлат университетининг энг муҳим фаолият мезонига айланган.



Наримон ДЕХҚОНОВ,
Наманган давлат университети
биринчи проректори, сиёсий
фанлар доктори

Айни пайтда муассасамизда 28 минг 472 нафар талаба тахсил олмоқда. Уларнинг 18 минг 720 нафари қизлар. Биз ҳар бир талабанинг олий ўқув юртига ўқишга қабул қилинган илк кундан бошлаб оилавий шароити, ижтимоий аҳоли ва муаммолари билан яқиндан танишамиз. Ўрганишлар якунига кўра, талабаларни тоифаларга ажратамиз. Бунда ижтимоий ёрдамни, қўллаб-қувватлашни энг муҳтож талабалардан бошлаш мақсади назарда тутилган.

Айни пайтда боқувчисини йўқотган талабаларимиз 728 нафар, чин етим талабалар 14 нафар, 224 нафарининг ногиронлиги мавжуд, уларнинг 20 нафари 1-гурух ногирони, 10 нафар талабамиз Мехрибонлик уйида тарбияланган.

Талабаларнинг 1 минг 294 нафари талабалар уйида яшайди. Уларнинг 834 нафари қизлар, 799 нафари бошқа вилоятлардан келган. 47 нафарининг ногиронлиги бор, 7 нафари кузи ожиз, 79 нафари имтиёз асосида бепул яшовчи, 40 нафари боқувчисини йўқотган, 3 нафари чин етим, 19 нафари ижтимоий ҳимоя реестридаги талабадир.

85 талаба “Темир дафтар”га, 54 нафари “Аёллар дафтери”га, 816 нафари “Ёшлар дафтери”га киритилган.

Талабаларни қўллаб-қувватлаш, моддий ва маънавий рағбатлантириш бўйича Наманган давлат университетининг ўз тажрибаси бор. Мазкур йўналишдаги пухта чора-тадбирлар муайян натижа бераётгани янада қувонarli.

Жорий ўқув йилида 3 минг 507 талабага талабаларни рағбатлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан 1,8 миллиард сўм моддий рағбатлантириш пуллари тўлаб берилди. Ижара хонадонларда яшовчи 6 минг 861 талабанинг 1 миллиард 38 миллион сўм ижара пули ҳам қўллаб берилди. Етим ва ота-онаси қарамоғидан маҳрум бўлган 13 талабага ўқув, илмий ва бадий китоблар харид қилиш харажатлари учун 17 миллион 550 минг сўм субсидия ажратилди.

2022-2023 ўқув йилида эса тавсия асосида боқувчисини йўқотган 97 талаба қизнинг 665 миллион сўм, 83 талабанинг 278 миллион сўм контракт пуллари ҳомийлари жалб этиш орқали вилоят ҳокимлиги томонидан тўлаб берилди. “Темир дафтар”га кирган оилалардан бўлган 7 талабанинг 48 миллион сўм контракт пули қўпланди.

Иқтидорли, ташаббускор, фаол талабалар қўллаб-қувватланиши натижасида улар сафи тобора кенгайиб бораётди. Чунки моддий ва маънавий рағбат уларга янги куч-ғайрат ва баланд рух улашмоқда. Утган ўқув йилида республика ва университет миқёсидаги танловларда ғолиб бўлган 45 талаба 21 миллион сўм, “Илм талабаси” танловининг университет босқичида номинациялар бўйича 29 нафар ғолиб талаба 38 миллион сўм, “Универсиада” мусобақиси ҳудудий ва республика босқичида ғалабани кўлга киритиб, финал ўйинларига йўланма олган 60 талаба 85 миллион сўм микдорида моддий рағбатлантирилди.



Жараён

НИЯТИМИЗ БИТТА – ЧУҚУР БИЛИМ ВА МАЛАКАГА ЭГА МУТАХАССИСНИ, ЮРТ ТАҚДИРИГА ЎЗИНИ ДАХЛДОР ДЕБ БИЛАДИГАН ЁШЛАРНИ ЕТИШТИРИШ. БУ МАСЪУЛИЯТЛИ ВА ШАРАФЛИ КАТТА ЙЎЛДА ЖАМИКИ КУЧ-САЛОҲИЯТИМИЗНИ САРФЛАЙМИЗ.

маданиятни ривожлантиришга доир турли семинарлар, учрашувлар ва профилактик тарғибот тадбирларини уюштиришдир.

Наманган давлат университетидеда республика олий таълим муассасалари ичида илк марта ўн нафар иқтидорли, ташаббускор ва фаол талабадан таркиб топган “Йўл ҳаракати хавфсизлиги тарғиботчиси” гуруҳи шакллантирилган. Гуруҳнинг асосий вазифасига вилоят шаҳар ва туманлардаги йўл чорраҳалари, светофорларда ёши улуг ҳамда ёш болаларга кўмаклашиш, вилоят ИХХБ билан ҳамкорликда талабалар ўртасида йўл қоидалари юзасидан тушунтириш ва тарғибот ишларини олиб бориш, тарқатма материалларни етказиш, университет атрофидаги чорраҳаларда ИХХБ ходимларига ёрдамлашиш ва иш фаолиятини ўрганиш кирди.

“NamDU FM” (www.namdufm.uz) онлайн радиоси ва овоз ёзиш студияси очилиши ҳам олий таълим муассасалари ўртасида дастлабки ташаббус саналади. Радиода жонли эфир жараёнини юритиш учун ўн нафар иқтидорли ва ташаббускор талабадан иборат иқидий жамоа шакллантирилди. Университетдаги иқтидорли ва истеъодли талабаларнинг янги ташаббуслари, илмий изланишлар натижалари, ижод намуналари, олийгоҳ янгилликлари тўғрисидаги хабарлар мунтазам берилмоқда. Овоз ёзиш студиясида талабаларнинг муסיкий чиқишлари, жонли овоздаги қўшиқлар ва шеърй матнлар ёзиб борилиши анъана тусини олган.

Ўн нафар жасур ёшдан иборат “Қалқон” гуруҳи университет ҳудудида жамоат тартибини сақлаш, жиноятчиликнинг олдини беравқт олишда профилактика инспекторларига ёрдамлашади ва назарий билимларни амалиётда қўлайди. Мактабгача ва бошлангич таълим факультетидаги “Ёш дизайнерлар” ва “Мобил чеварлар гуруҳи” ҳамда қўлда юмшоқ ўйинчоқлар тайёрлаш тўғаракларида эллик нафар талаба қиз сеvimли юмуши билан банд.

Иқтидорли, фаол, ташаббускор ва ташкилотчи ёшларни қамраган “кўнглиллар” ўзини ўзи бошқариш органи талабаларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказиш, уларни Ватанга муҳаббат, миллий қадриятларимизга ҳурмат, буюк аждодларга муносиб авлод бўлиш руҳида тарбиялаш,



талабалар бўш вақтини унмulli ўтказиш билан бирга, миллий ҳунармандлик асосида замонавий жиҳозлар тайёрлаш, мебелсозлик ва дурадгорлик касбларини эгалламоқда. Талабаларимиз университетдаги мебел жиҳозларини замонавийлаштиришда ва янгилашда бевосита кўмаклашадилар ва улар моддий рағбатлантирилади. Корхона келгусида вилоятдаги таълим муассасаларига замонавий мебеллар етказиб беради. Ҳозир корхонада замон талабидан келиб чиққан ҳолда рақобатбардош мебеллар, жумладан, бир ва икки томонлама мобил стеллажлар, бир ва икки кишилик парталар, стуллар, олти кишилик трансформер, олти бурчакли столлар ишлаб чиқарилимоқда.

Университетда экология таълими йўналишининг ўн нафар иқтидорли талабасидан иборат “Ёш экопатрул” гуруҳи тузилган. Мазкур гуруҳнинг асосий вазифаси университет ҳудудидаги дарахт кўчатлари ҳисобини юритиш, ривожланиш ҳолатини назорат қилиш, доимий муҳофаза этиш ҳамда талаба ёшлар ўртасида экологик

жойларда Янги Ўзбекистондаги оқилона сиёсат мазмун-моҳиятини тарғиб этишга хизмат қилмоқда. Орган тарихига доимий равишда фаолият юритадиган 86 талаба сайланган. Шу кунга қадар гуруҳга 280 дан ортиқ қўнғилли талаба аъзо бўлди.

1-талабалар турар жойидаги қараоке майдончасидан 200 дан зиёд йилгит-қиз эркин фойдаланмоқда. Бундан уларнинг миллий муסיқкага қизиқишини ошириш, санъатини намойиш қилиш учун шароит яратиш, селекция асосида ёшлар ичидан иқтидорлиларини саралаб олиш мақсад қилинган.

Университет Ахборот-ресурс марказида талабалар учун ажратилган ўринлар сони 400 тадан 1 минг 400 тага кўпайди. Бу ерда ёшлар ўқув, илмий ва бадий адабиётлардан, QR-код орқали уларнинг электрон нусхаси билан танишиш имкониятига эга.

Жамоатчилик бошқаруви, иқтидорли ва ташаббускор лидер талаба ёшларнинг университет бошқарув тизимида иштирок этишини таъминлаш мақсадида жамоатчилик асосида талаба-ректор, талаба-декан лавозимлари жорий этилган. Ушбу лавозимга киришган ёш раҳбарлар учун алоҳида (университет раҳбари янги ҳам бор) телеграм гуруҳи очилди. Унда университет ректори, ёшлар масалалари ва маънавий-маърифий ишлар бўйича проректор ҳамда ёшлар етакчиси назорати остида топшириқлар бериб борилиб, ижроси ҳам гуруҳ аъзолари томонидан таҳлил этиляпти. Ёш раҳбарлар тарафидан бугунгача талабаларнинг университет ички тартиб-қоидаларига бўйсинуши, ўқув жараёнидаги иштирокини таъминлаш, уларнинг тақлиф ва ташаббусларини раҳбариятга бевосита етказиш, ўрнида ҳал этиш каби қўллаб-қўрғат тадбирлар тезкор ҳамда сифатли бажарилимоқда.

Ниятимиз битта — чуқур билим ва малакага эга мутахассисни, юрт тақдирига ўзини дахлдор деб биладиган ёшларни етиштириш. Бу масъулиятли ва шарафли катта йўлда жамики куч-салоҳиятимизни сарфлаймиз. Ишонимизки, талабаларга кўрсатилаётган ғамхўрлик қўтилган меъясини беради. Зеро, меҳр-эътибордан куч олган ёшларгина Ватанга садоқатли авлод бўлиб етишади.



ЁШЛАРГА ОИД ДАВЛАТ СИЁСАТИ

Тўғаракларга қамровни ошириш бозор иқтисодиёти тамойилларига ҳам мос келади

Мамлакатимизда барча соҳалар бозор иқтисодиёти тамойиллари асосида ислоҳ қилинмоқда. Таълим соҳаси ҳам бундан мустасно эмас. Зеро, бозор иқтисодиётининг ўз қонуниятлари бор. Унда талаб ва тақлиф тамойили асосий аҳамиятга эга. Бу эса, ўз навбатида, таълимнинг барча босқичида ана шу тамойилга амал қилишни талаб этади.



Севара МАҲМУДОВА,
Халқ таълими вазирлиги
ҳузуридаги Республика
“Баркамол авлод”
болалар мактаби директори

Бунинг тасдиғини Янги Ўзбекистоннинг 2022-2026 йилларга мўлжалланган тараққиёт стратегияси ҳамда Президентимизнинг Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига Мурожаатномасида белгиланган вазифалар мисолида ҳам аққол кўриш мумкин. Ҳар икки тарихий ҳужжат ҳам аҳолининг турмуш даражасини ошириш, таълим сифатини илғор халқаро стандартларга мувофиқлаштириш, барқарор иқтисодий ўсishга эришиш борасидаги ислохотларни янги босқичга олиб чиқишга қаратилгани билан аҳамиятлидир. 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясини “Инсонга эътибор ва сифатли таълим йили” да амалга оширишга оид Давлат дастурида таълим сифатини ошириш ҳамда соҳани илғор хорижий тажриба асосида ислоҳ қилишга ҳам алоҳида эътибор қаратилган. Айниқса, 2023 йилнинг 1 сентябридан бошлаб ҳар бир туман (шаҳар)да биттадан умумий ўрта таълим муассасасида ўқувчиларга иккита хорижий тил ва битта касб-ҳунарни ўргатиш амалиётининг босқичма-босқич йўлга қўйилиши қувонarli ҳол. Бу, ўз навбатида, жойлардаги “Баркамол авлод” болалар мактаблари зиммасига ҳам катта масъулият юкляди.

Давлатимиз раҳбарининг 2022 йил 28 январдаги “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги фармонида мактаб ўқувчиларини касбга йўналтириш, таълим муассасаларида бепул тўғараклар фаолиятини йўлга қўйиш бўйича қатор вазифалар белгиланган. Айни шу мақсадда давлат бюджетидан 79,5 миллиард сўм ажратилган. Ҳозир тўғараклар йўналишини аниқлаш бўйича ўқувчилар ва ота-оналар ўртасида сўровномалар ўтказилимоқда. Утган йили “Баркамол авлод” болалар мактабларининг бюджетдан ташқари ишлаб топган маблағи 751 миллион сўмни ташкил этди.

Ўқувчиларда касб-ҳунар кўникмаларини шакллантириш учун умумтаълим муассасаларида 100 мингта тўғарак ташкил этиш ишлари давом этмоқда. Тўғаракларни очишда талаб ва тақлиф кўп бўлган ахборот-коммуникация технологиялари, IT инжиниринг, таржimonлик каби йўналишларга алоҳида эътибор қаратилимоқда. Тўғарак машғулотларида ҳам инновацион методлардан фойдаланилмоқда. Айни пайтда етти йўналишда 80 га яқин номдаги тўғарак фаолият кўрсатяпти. Ҳар бир йўналиш учун махсус ўқув дастури ва қўлланмалар ишлаб чиқилган.

Жумладан, Зомин туманидаги ўқувчи ёшларни замонавий касбларга тайёрлаш марказида 21 турдаги тўғарак бор. Уларнинг ҳаммаси ўқув дастури, STEAM таълими бўйича дастур ва қўлланмалар билан таъминланган. Ўзбекистон Бадий академияси аъзолари у ерга бориб маҳорат дарслари ўтади. Тўғараклар йўналишини кўпайтириш мақсадида Маданият ва туризм вазирлиги, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, ШХТнинг Ўзбекистондаги Халқ дипломатияси маркази, Тошкент шаҳри ҳокимлиги, Киноарбоблар иқидий уюшмаси, Бадий академия, “Хунарманд” уюшмаси, Абдулла Авлоний номдаги Халқ таълими муаммоларини ўрганиш ва истиқболларини белгилash илмий-тадқиқот институти, Тошкент ахборот технологиялари университети, Тошкент давлат иқтисодиёт университети, Ўзбекистон таъзвондо ITF миллий ассоциацияси каби 20 дан зиёд халқаро ва маҳаллий идора, ташкилотлар билан ҳамкорлик йўлга қўйилди. Улар билан бирга форум, конференция,

давра суҳбати, семинар ва ўқув-тренинглар ташкил этилади, ўқув дастури ва қўлланмалар ишлаб чиқилади, тўғаракларни ривожлантириш учун шарт-шароит яратилади.

“Баркамол авлод” республика болалар мактаби ҳузурида директорлар кенгаши ташкил этилди. Унинг фаолияти, асосан, ўқув-тарбия жараёнини такомиллаштириш, сифат ва самарадорлигини ошириш, таълимнинг узлуксизлиги, изчиллиги ва илмийлигини таъминлашга қаратилади. Кенгаш Қорақалпоғистон Республикаси, Сирдарё, Жиззах, Фарғона, Андижон, Наманган, Хоразм, Бухоро вилоятлари ва Тошкент шаҳридаги “Баркамол авлод” болалар мактаблари фаолиятини ривожлантириш ва илғор тажрибаларни оммалаштириш учун амалий-услубий ёрдам кўрсатди, семинар-тренинглар ташкил этди.

Айни пайтда ахборот-коммуникация технологиялари ривожланган даврда яшашимиз. Шу боис, уларни ёшларимизга мўкаммал ўргатиш ва амалиётга татбиқ этиш кўникмаларини шакллантириш давр талабидир. ШХТнинг мамлакатимиздаги Халқ дипломатияси маркази билан ҳамкорликда “Ўзбекистон ёшлари фан-техника тараққиёти асрида” онлайн кўрик-танлов ташкил этилгани ўқувчиларда техник иқидорлигини ривожлантиришда муҳим аҳамиятга эга бўлди. Жанубий корейлик мутахассислар билан ҳамкорликда “Баркамол авлод” болалар мактаблари ахборот-коммуникация технологиялари бўйича мутахассисларнинг малакаси ошириляпти. Уларда замонавий билим ва кўникмалар шакллантириляпти. Натижада замонавий турдаги дастурлаш тўғаракларини очиш имконияти пайдо бўлди.



Ўргатиш жараёнида ўқувчиларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш, улар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, йилгит-қизларда ватанпарварлик, ғзуллик, инсонпарварлик сингари юксак инсоний қадриятларни йўғотиш ҳам зарур. Шу мақсадда Утган йили мактабларимизда тўғарак аъзолари учун 20 та кўрик-танлов ташкил этилди.

Тўғараклар сони, йўналиши ва қамровини кўпайтириш асосий вазифаларимиз сирасига кирди. “Баркамол авлод” болалар мактаблари мутасадди ҳодимларининг маҳалла ва умумтаълим мактаблари бўйлаб қилган тарғибот-ташвиқот ишлари натижасида 7 минг 203 та тармок тўғарак фаолияти йўлга қўйилди. Уларга қарий 176 минг 400 ўқувчи қамраб олинди. Шунингдек, маҳалла фуқаролар йиғинларида “Баркамол авлод” болалар мактабларининг 163 та тармок тўғараги очилди. Имконияти чекланган болаларни қўллаб-қувватлаш учун махсус мактаб-интернатларда ҳам 330 та тўғарак ташкил этилиб, уларга 9 мингдан ортиқ ўғил-қиз жалб этилди.

Мактабларимизда ўқувчилар қамровини ошириш, уларга қўшимча рағбат бериш, муайян соҳа ва касбга йўналтиришнинг янги имкониятларини топиш ва амалда татбиқ этиш асосий мақсадларимиздан. Утган йили “Шарқ аёли” халқаро хотин-қизлар жамоат фонди билан ҳамкорликда халқаро грантлар ажратилди. Мазкур лойиҳа асосида бугун тўғаракларимиз аъзоларидан 61 нафари хорижий университетларда тахсил олмоқда.

Давлат дастурида белгиланган вазифаларни муваффақиятli амалга оширишга кўмаклашиш жорий йилдаги асосий вазифаларимиз сирасига кирди. Унинг асосида йил бошида белгиланган чора-тадбирларимизни қайтадан кўриб чиқамиз ва унга мослаштирамиз.



www.yuz.uz



yuz.uznews



yuz_official



yuz.uz_news

ЯНГИ

ЎЗБЕКИСТОН

ҲАР КУНИНГ НАВРЎЗ БЎЛСИН, ЖОНАЖОН ЎЗБЕКИСТОНИМ!

ЎЗНИ АНГЛАШ ВА КАШФ ЭТИШ АЙЁМИ



**Шомирза ТУРДИМОВ,
филология фанлари
доктори, фольклоршунос
олим**

Бошланиши 1-бетда

Наврўз фалсафасида руҳ ва тана пок-лиги, меҳр-оқибат, катталарга ҳурмат, кичикларга ҳиммат, ҳалоллик, саховат, мурувват каби асрий анъаналар тура-ди. Абу Райхон Берунийнинг “Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар”, Маҳмуд Кошғарийнинг “Девони луғотит турк”, Юсуф Хос Ҳожибнинг “Қутадғу билиг”, Носируддин Рабғузийнинг “Қиссаси Рабғузий”, Алишер Навоий асарларида Наврўз билан боғлиқ кўплаб маълумот-лар, бадий талқинлар учрайди.

Абу Райхон Беруний “Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар” асирида Наврўз ҳақида бундай ёзади: “Бу кун — фаришталар қадрлайдиган кун. Чунки шу кунни фаришталар яратилган. Бу кун-ни пайғамбарлар қадрлайди. Чунки шу кунни қувш яратилган. Бу кунни шохлар ёзозлайди. Чунки бу кун йилнинг бирин-чи кунидир”. Наврўз фалсафасида ёши улуг инсонлар, табаррук отахон ва она-хонларни ҳар томонлама эъзозлаш, кўмакка муҳтож инсонларга бегараз ёрдам бериш билан боғлиқ хайрия тadbирлари ўз аксини топган. Бу — халқимизга ман-суб меҳр-мурувват, ахиллик ва тотувлик-нинг ҳаммиша бардавом экани ифодаси.

Халқимиз қадимдан ёз ботиинида қиш, қиш замирида ёз этилиб туғилади, табиат қиш ва ёзнинг мавсумий “ўлиб-тирилиши” давомида узлуксиз айланади, деб тушун-ган, талқин этган. Ҳар бир мавсумнинг бошланиши ва якуни байрам қилинган. Наврўз — янги деҳқончилик мавсумининг бошланиши, кут-барака, ободлик ва фаро-

вонлик рамзи. Шу боис, халқимиз деҳқон-чилиқа киришиш, чорвани қишловдан олиб чиқишда ҳам алоҳида маросимлар ўтказган. Олдинлари далага қуш чиқариш-дан аввал қўшга қўшилидиган ҳўкизлар-нинг “Шох мойлар” удуми қилинган бўлса, бүгун кўп ҳудудларимизда фермерлари-миз “Дарвешона” маросимини ўтказмоқда: янги деҳқончилик мавсумига киришишдан аввал қўрбонликлар қилиб, халққа ош тор-тиб, элнинг дуосини олмақда. Бу ҳам янги йилнинг кут-баракали келишига, тўқин-со-чинлик бўлишига қаратилган эзгу ниятлар, умидлар ифодасидир.

Наврўз — кун билан тун тенг кел-ган вақт, янги йилнинг қопқаси. Аждод-ларимиз қувш, ой, юлдуз каби осмон ёриткичлари ҳаракатини кузатиб, фасл-лар алмашинуви ҳақида мукаммал би-лимларни мерос қолдирган. Халқимиз-нинг бу байрам билан боғлиқ барча билим ва тасавурлари турли театрлаштирил-ган сахна ва рамзлар воситасида ифо-даланган. Бунда қиш ва ёз кураши, ўрин алмашиниш англашилган. Янги йил, яъни Наврўз қиш ва ёз (икки кутб)нинг ўзаро курашуви, қиш томоннинг енгилиб, чеки-ниши натижасида кириб келади, деган дуалистик қараш ушбу маросимда энг таянч тасаввур ҳисобланади. Наврўзни кутиб олиш, тантана қилиш жараёнида ўтувчи барча маросим халқалари ана шу курашни тасвирлашга, ифодалашга йўналтирилган.

Ушбу ўринда Фарғонада ўтувчи Наврўз байрами ҳақида хитой манбасидан келтирилган кўчирма муҳим аҳамиятга эга: “Ҳар янги келаётган йилнинг аввалида подшо ва даргалар бошчилигида халқ икки гуруҳга бўлинган. Ҳар бир гуруҳ бит-тадан вақил сайлаб, унга жанг кийимла-рини кийдириб, ўзаро жанг қилдиришган, қолганлар эса рақиб томонга тошу кеса-клар отиб, ўз жангчиларига ёрдам бериб туришган. Жанг томонларнинг бири ҳа-лок бўлгунича давом қилган. Сунгра жанг натижаларига қараб янги йилнинг қандай келиши тахмин этилган”.

Тадқиқотчилар ушбу маросим ибти-дий халқлар орасида кенг тарқалган



икки қабиланинг маросимий мусобақаси эканини ёзган. Шарқий Туркистондаги Кучи шаҳрида янги йилни қутишда етти кун давомида қўқор, от, туя уришти-риб, йилнинг қандай келишини аниқлаш тантаналари ва Ўрта Осиёдаги улоқ (қўпкари) ҳамда туркманлар орасида-ги “Кўкбўри” тўй маросими ҳам ана шу тизимда туришини айтишган. Биз учун эътиборли жиҳат, ушбу ўринда қўпкари (улоқ) ва қўкбўри никоҳ тўйи маросими-даги бўри ва улоқ (эчки) образларидир. “Кўкбўри” маросимида улоқ ёки қўзичоқ-ни (аслида, улоқ варианты тўғри) отда ўнгариб қочаётган келинни қувё ўз жу-ралари билан тазкиб қилиб, ундан улоқни олиб қўйиши керак (қозоқлар ўртасида-ги “Қизқувди” маросими ҳам ана шу ти-зимда туради. Фақат у ўринда улоқ ун-тирган). Ушбу маросимнинг тўб асослари ҳам йил фасллари ўртасидаги кўтблар ҳолати, кураши ва билригилга уланади. Улоқ — қўклам, бўри эса қиш тимсоли. Қиз — улоқ — қўклам, йигит — бўри — қиш яхлит тизимни ташкил этади. Улоқ

(қўпкари) ўйинининг қиш вақти ўткази-лиш анъанаси ҳам бежиз эмас. Бойсун туманининг олис қишлоғида Наврўз кунни ихро этилуви “Гургак” ўйини ҳам бево-сита ана шу тасаввурларга боғлиқ.

Қатор вилоятларда турли шакл-қўри-нишларда ҳозиргача амал қилиб кела-ётган “Бойчечак” маросими ҳам ушбу тизимнинг ўзига хос кўринишидир. Маро-симнинг нисбатан тўлароқ халқаларини Наманган вилоятининг Чортоқ тумани ҳудудида кузатиш мумкин. Бу ерда боло-лар эрта қўклам бойчечакни топиб, бир гуруҳ бўлиб, журабоши етагида хонадон-ма-хонадон кезиб чиқади. Бойчечакчи-лар ҳар бир хонадон дарвозаси олдида тўхтаганда, журабоши ушбу қўшиқни қуй-лайди:

*Бойчечак айтиб келдик эшигингизга,
Худойим ўғил берсин бешингизга.*

Гуруҳ эса:

*Бола, бола-бола, бойчечак,
Ўйнагизга чоч тилла.
Илоийм ўғил берсин,
Отеинаси Раҳматилла.*



КАДРИЯТ



ҚОЗОН ТЎЛА АЙРОН НИМА ДЕГАНИ...

ёхуд бойчечакни ким бойлайди?

топганини айтди. Бувим унга турли ширин-ликлар берди.

“Тоқчадаги туз нам тортиб қолибди, эр-тага ёмғир ёғади”. Дадамининг мана шу га-пидан сўнг синглим ялт этган нигоҳ билан қаради. Ахир бу йилги қиш ҳаммадан ҳам кўпроқ болаларни зериктирди, аномал со-вуқ ўйинқароқларни-да уйга қамади. Баҳор ёмғири ҳақидаги гапдан қувонганимиз боиси қўклам эрта ташриф буюрадиган Сўрхон томонларда ёмғирдан сўнг бойче-чак, лола-қизғалдоқлар очилади. Болалар



Баҳор келса-да, қишнинг совуғи кетмаган кунлар эди. Бувим оқсоқланиб юрар, зах кунларда бир дарди икки бўлиб, оёқлари зиркираб оғрир эди. Ўзи шундоқ ҳам қаҳратоннинг захри суяк-суягидан ўтган бувим укамни ёнига қақчириб айтарди: “Улим, қоронғи тушгач, “оқ сўнғак”ни ўйнанглр, бу қиш дегани жуда чўзилиб кетди-да”. Бир-биридан қизик баҳорий урф-одатларимиздан беҳабар серсавол синглим “Суякни отиб, ким топиб келарига ўйнашса, кун ёруғида ўйнамайдими? Қоронғида тимирскиланиб нима қилади?” деди.

Бувим аввал қулиб, кейин обдан ту-шунтирди: “Қоронғи тушгач, болалардан биттиси суякни узоққа отади. Уни бошқа-лар қоронғилик ичидан топиб келса, тун қисқариб кун узаяди. Баҳор келади. Бу ҳам бир удум-да, қизим”. Кечқурун укам қўшни бола билан уйга кириб, суякни ўша бола

этагиде заминга гул улашаётган қир-адир-лар бағрига ошиқади. “Бойчечак сайли” кўп куттирмади. Дилимизга баҳорий илғиклик улашди.

Бувимнинг ҳикояларини мириқиб тинг-лаб ўтирган эдик, ҳовлидан овоз келди: *Бойчечак айтиб келдик эшигингизга,
Кўчордек ўғил берсин бешингизга.
Бойчечакдек очилиб гулли бўлинг,
Келаси йил биз келганда,
Қиш қокли қўшилган улли бўлинг.*

Биз овоз келган томонга чиқдик, янгам уялиб, ошхона томон кетди. Бувим бой-чечак олиб келган болалар қўлидаги гул-ни олиб қўзларига суртди: “Омонлик, ҳей омонлик, ҳеч қўрмайлик ёмонлик”. Сўнг бойчечак дарвагини олиб келган болаларни сийлади.

Болаларнинг овози улар кўчага чиққан-дан сўнг ҳам эшитилиб турарди: “Бойчеча-гим бойланди, қозон тўла айронди... Қаттиқ ердан каталаб чиққан бой-че-чак... Бойче-чагим хиллодир, ҳамён-хамён тиллодир”. Синглим бувимни яна саволга тутди: “Бойчечакни ким бойлайди?” Бувим ода-тига кўра эринмай тушунтирди: “Қиш ер-нинг тағида баҳор гулини бойлаб қўйган. Қозон тўла айрон дегани — ер устидаги оппоқ қор. Шу гул чикса, баҳор келгани-дан дарақ. Бойчечак чикса, мўл-кўлчилик бўлади”. Қизик воқеани билиб олгандек севинган синглим дугоналарига боғлоқ-лиқ гул ҳақидаги ҳикояни айтиб бериш учун кўчага югурди.

Элимизнинг севимли байрамлари бор экан, қуй-қўшиқлар, лапарлар ҳам барҳа-ёт. Наврўз қўшиқлари ҳам халқимиз тилида сайқалланиб, худди байрамларимиз каби

қадри, қўнғил мулкига айланган. Табиат ва инсон ўйғунлиги қўйланадиган термаларда Яратгандан тортиқ неъматларга шўкроналик тарафун этилади. Инсонни энг олий, энг эзгу амалларга чорлайдиган, дилларимизда мардлик, тантилиқ ҳисларини жўштирадиган мана шу олтин меросини қўймати тенгиз. Баҳор қуёши оддий қўёшмас, тоғ ортидан чиқиб келаётган порлоқ истиқбол.

Бувим секин пичирлайди: “Яхши келса хутни қўринг, хурмо-хурмо сутни қўринг”. Болалар келтирган гулни тўйиб-тўйиб ҳид-лайди. Укам шифтга қараб, бувим ўргатган қўшиқни айтди:

*Қалдирғоч, ғоч-ғоч,
Эшигини оч-оч!
Менинг сачим жиналақ,
Писта билан бодим соч...*

“Яхши йил баҳоридан маълум, яхши кун саҳаридан”. Баҳорнинг яхши келгани чин бўлсин. Бирдан осмонни булут қоплаб, мо-макалдироқ ғўшбурлай бошлади. Болалар-нинг шодон қўшиқлари баралла янгради:

*Ёмғир ёғалоқ,
Эчки чақалоқ,
Бойни қизининг
Қорни юмалоқ.*

Айтишларича, “эчки чақалоқ” — эрта қўклам, ҳайдалган ер эса — “бойнинг қизи”, унинг бағрида ҳар хил ўт-ўланлар бор. Шу-нинг учун ернинг қорни юмалоқ. У қўкламга ҳомилдор. Ёмғир ёғса, улар ўсиб чиқади.

Ривоят қилишларича, ҳулкар — қишда чиқадиған юлдуз, қамбар — ёзда. Улар бир-бирини қўрмайди. Ҳулкар кетса, баҳор келади. Ўт-ўлан мўл бўлади. Ҳулкар юлдузи ер остига кириб кетиб, қанча кўп қолса, ҳай-вонларга шунча яхши бўлар экан. Шунинг

Ўй эгаси қўриниш берганда:

*Ўтириб чикинг,
Ўтириб чикинг,
Ёғоч товоқни тўлдириб чикинг,*

дейди. Хонадон соҳиби журабоши тутиб турган бойчечакни қўриб, тавоф қилиб, ҳимматига яраша бойчечакларга ул-бул беради. Қадимда ўтган “Бойчечак” маросимида қиш ва қўклам курашини ифодаловчи сахналар бўлган. Бойчечак тутган журабоши қўклам сиймосида ўз шериклари, аниқроғи, жангчилари билан хонадонма-хонадон юриб, қишни ҳайда-ган. Қиш сиймоси ва жангчиларини ифо-даловчи томон қаттиқ қаршилиқ қўсат-ган. Бир-бир чекиниб хонадонларни ва ниҳоят, бутун қишлоқни тарқ этган. Қиш ва қўклам ўртасидаги асосий кураш кат-та далада бўлган. Бунда қиш ва ёз томон рамзий жанг қилиб, айтим-қўшиқ қўйлаб баҳслашганлар. Хоразмда сумалак сай-ли билан алоқадор бўлган “Ашшадарози” ўйини ва унда айтилувчи лапарнинг тўб асослари қиш ва ёз мунозараси сифати-да келади. Ушбу лапарнинг маросимдан буткул ажралиб, соф санъат намунасига айланган версияси сифатида Фарғона водийсида кенг ёйилган “Сочингни узун дейдила” лапарини келтириш мумкин. Ушбу лапар матнида “қиш”нинг сўроғи ва “қўклам”нинг жавоблари асл моҳият-га яқин турибди. Лапарда йигит қизнинг сочи, қоши, қўзи, қўзи, бели қандай эканини сўрайди. Қиз эса қўкламдаги таби-ат тасвири орқали ўзини таъриф этади. Халқимиз орасида машҳур “Кичкина-жон-кичкина” қўшиғи эса ушбу айтишув, баҳснинг сўнгги нуқтаси бўлган. Яъни қўшиқни қўйлаб, ўртадаги рақоснинг муайян образларга тақлидан кичрайиб бориши баробарида тариқ тимсолига келиши, буни рақсда кўрсатиши қўклам-нинг қишни енгиб, уруғ (тариқ) ҳолатига келтиришини ифода қилган.

“Оқ теракми, қўк терак?” ўйинимиз ҳам, асосан, қўкламда ўйналган. Бу ўйинда ёши катталар қатнашган, сўнг бора-бора болалар ўйинига айланиб қолган. Ўйиннинг номи нега айнан “Оқ теракми, қўк терак?” Зоҳиран терак бар-

гининг бир томони оқ (юмшоқ), бир томо-ни кўк (қаттиқ). Ботинан бу ўйинда кун ва тун, қўклам ва қиш ҳақидаги тасаввурлар мавжуд. Шу боис, Хоразмда бу ўйин ўз моҳиятига яқинроқ номда айтилади: “Ой теракми, кун терак?”. Бу ўйинда қизлар баҳор, йигитлар қиш тимсоли бўлган.

Наврўз сайлларида қиз-жувонларнинг аргимчоқ-ҳалинчак учиб одати мамла-катимизда кенг тарқалган. Бу қадимий удум бугун ҳам ўз жозибасини йўқотга-ни йўқ. Ҳалинчак учиб шунчаки қўнғил хуши эмас, бу нафосат вақилаларининг қўкламга мос эзгу ораву-милларининг юксакларга парвоз қилишидир. Бугун Сўрхондарё, Қашқадарё томонларда “оқсуяк” ўйини эрта қўкламда ва қоронғи пайтда ўйналади. Бунда болалар сай-лаган журабоши сўнғакни узоққа отади, бошқа болалар уни излайди. Ким суякни биринчи топса, ғолиб чиқади. Бу ўйин-нинг айнан Наврўз пайти ва тунда ўй-напиши беҳиз эмас. Суяк — аждодлар руҳи тимсоли, ёш болалар ҳали бегуноҳ, сабий. Бу болаларимиз сабий қўллар воситасида ва аждодлар руҳи ёрдамида тун (қиш)ни ҳайдаб, кун (баҳор)га интил-ганидан далолатдир. Наврўз кунлари қабристонлар, зиёратгоҳлар, муқаддас масканлари обод қилишга алоҳида эътибор қаратилиши бун янада теран-роқ ифода этади.

Наврўзни бутун халқ нишонлар, яқ-дил бўлиб, эзгу ниятлар қилар экан, “ҳар куннинг Наврўзга айланиши” оруз-си ўз рўёбини топади. Наврўз маросим-лари қотиб қолган топинч эмас, аксин-ча, у ҳаммиша халқ билан бирга яшовчи, халқнинг кўнғлида нимаики кечса, ушбу байрамда ҳам акс этувчи қадрият ҳи-собланади. Наврўз байрамнинг бу кунги талқинлари, театрлаштирилган ўйинлар байрам моҳиятини англашда халққа ёрдам бермоқда. Ҳаммиша то-мошабин “суст” ҳолатда қолади. Наврўз байрами томошабини сўймайди. Наврўзда ҳамма иштироқчи, ижрочи ва фаол бўлади. Ана шунда байрам асл моҳиятига уйғун мақомага етади.

Наврўзни англаш — инсон ўзини ўзи англашининг бир йўли. Инсон инсон сифатида шу йўлда ҳам намоеён бўлади. Инсоннинг бошқа мавжудотдан фарқи жиҳати ҳам шунда. Инсон табиатни ан-глайди, уни билмиш асосида ўзини кашф этади. Наврўз байрамнинг узак моҳияти эса англаш ва кашф этишдан иборат.



учун бир кунни туя, от, сигир, эшак, қўй, эчки ўзаро келишиб, ҳулкарни ер тағидан чикар-маслиқча аҳд қилибди. Юлдуз чиқадиған ерни беркитиб, навбат билан пойлаб тура-диган бўлишибди. Навбат эчкига келганда мен бу юлдузни пойлаб ўтираманми, бир оз ўйнаб қалай, дебди-ю, улоқиб кетибди. Қорни тўйиб қайтиб келса, ҳулкарнинг боши қўриниб турган эмиш. Энди туёни билан беркитмоқчи бўлган экан, юлдуз чақонлик қилиб чиқиб кетибди. Шу боис, халқ орасида “Эчки улоқиб кетмаганда, ҳаммиша ёз бўлар-ди”, деган гап юрар экан.

Асл тўма қадриятлар халқнинг қонида яшайди. Наврўз маросимлари, удумлари, қўшиқлари, анъаналари ҳам шундай. Улар-нинг моҳиятини англаганингиз сари мил-лий ғурурингиз ошиб, қўнғлингиз юксалиб бораверади. Миллат билан бирга яшаб, улғайиб, тарақий топадиган бундай қадри-ятлар маънавиятимизнинг бир бўлаги.

Янгилашни, тенглашиш, биравлашиш, ҳамжиҳатлиқни англашдагидан янги фасл деҳқон даласига, чорвадор яйловига кут-барака беради. Ўртимиз қуёши ана шундай саҳий.

Ҳовлидаги болаларнинг овози ўйла-римни тарқатиб юборди. “Ой теракми, кун терак. Биздан сизга ким керак?”. Ҳайрон бўлаётгандирсиз, “Оқ теракми, қўк терак?” эмасмиди, деб. Йўқ, аслида, бу ўйин атай-лаб Наврўз кунлари ўйналган. Кун узун (терақ) бўлсинми, тун узун бўлсинми, де-ган маънони англагандан. Айнан шунинг учун

“кун” жамоасидаги болалар ғолиб бўлишга интилган. Наврўздан кейин кунлар терак (узун) бўлиб, тун қисқа бўлишини ният қи-лишган-да.

Халқимизнинг ўлмас қадриятлари, асрий анъаналари азим дарёга ўхшай-ди. Наврўз эса ана шу дарёнинг янада мавжланиб, солланиб оқишига имкон яратади. Биз ҳар йили Наврўзда уларни қайта кашф этамиз ва қалбимизга чуқур-роқ жойлаймиз. Доим мана шу дарёнинг қучи-роқ оқиши учун ҳаракат қиламиз.

Қуёш чодирини судраб ўтаётган я-мояй сайхону ўлқоқлардан ошган Наврўз юртимизни ҳусни таровати билан янада безайди. Шу жойда бир оз нафас ростла-сак... Қадриятларимизни тўлиқ баён қилиш учун ҳикоялар ҳеч гап эмас, катта-катта достонлар зарур. Қадриятлар “пўртана”-сида йўналишини йўқотмай, адашмай-нет-май суза билиш учун ҳам илмдан елкан, эътиқоддан қамбарак, миллий ғурурдан лангар лозим. Ҳар баҳорда тақдор барқ уриб, қимматимизга қўзғу тутувчи Наврўз нашидасидан қатрасини туйган бўлсангиз, муродимиз ҳосил қисоб.

Энтикиб ҳаёлларга берилар эканман, бувим яна секин сўзлай бошлади:

*Яхши одам қўздан маълум,
Яхши эл Наврўздан.*

**Феруза МУХТОРОВА,
журналист**

“Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока” газеталари тахририяти” ДУК

Бош муҳаррир:

Салим ДОНИЁРОВ

МУАССИС:
Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси

Девонхона: (0-371) 233-70-98

Котибият: (0-371) 233-56-60

Эълонлар: (0-371) 233-57-15

E-mail: info@yuz.uz

Тахририятга келган қўлёмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилимайди.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташиқлот жавобгар.
Газета тахририят компьютер марказида саҳифаланди.
Газетанинг полиграфия жихатдан сифатли чоп этилишига “ШАРҚ” НМАК масъул.
Босмахона телефони: (71) 233-11-07

Ўзбекистон Республикаси Президентини Администрацияси ҳузуридаги Аxbорот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашр индекси — 236. **Буюртма** Г-346.

Ҳажми — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. **Қоғоз бичими** А2. Баҳоси келишилган нархда.

13787 ҳушханда босилди.

“ШАРҚ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.

Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи муҳаррир: Гуличеҳра Дурдиева
Мусаҳҳих: Малохат Мингбоева
Дизайнер: Зафар Рузиев

Манзилими:
100029, Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй

Ўза Якуни — 22:00 Топирилди — 23:55